O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 17.04.2026 yildagi O‘RQ-1133-son
Huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси	
185[2]модда. Совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш	185[2]модда. Совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш
Совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, жамоат жойларида очиқ (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш, —	Совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, жамоат жойларида очиқ (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш, —
базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
Совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан ов	Совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан ов

қилишда, касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш, худди шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	қилишда, касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш, худди шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. **Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади**
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қурол тўғрисида	
13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшга	14-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшга

тўлган фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга. Ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари томонидан олиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқароси олган, унинг эгалигида турган сойли стволли ўқотар ов қуролининг умумий сони учтадан, пневматик ов қуролининг умумий сони учтадан, силлиқ стволли ўқотар қуролнинг умумий сони бештадан ошмаслиги керак, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно. Биттадан ортиқ ҳар бир сойли стволли ўқотар ов қуролига, пневматик ов қуролига ва силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эгалик қилганлик учун ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно. Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари овчиликка боғлиқ касбий фаолият билан шуғулланаётган ёки камида ўн йил давомида	тўлган фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга. Ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари томонидан олиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқароси олган, унинг эгалигида турган сойли стволли ўқотар ов қуролининг умумий сони учтадан, пневматик ов қуролининг умумий сони учтадан, силлиқ стволли ўқотар қуролнинг умумий сони бештадан ошмаслиги керак, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно. Биттадан ортиқ ҳар бир сойли стволли ўқотар ов қуролига, пневматик ов қуролига ва силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эгалик қилганлик учун ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно. Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари овчиликка боғлиқ касбий фаолият билан шуғулланаётган ёки камида ўн йил давомида

мулкида автоматик бўлмаган (бир зарядловчи) силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эга бўлган бўлса ҳамда уларда ов қилиш қоидаларини ёки қурол муомаласини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлмаса, сойли стволли ўқотар ов қуролини, шу жумладан аралаш ўқотар қуролни ёхуд ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини, ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт: аризани; қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани; овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини (ов қуролини олиш учун); овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномасини (сойли стволли ўқотар ов қуролини, ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ёки	мулкида автоматик бўлмаган (бир зарядловчи) силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эга бўлган бўлса ҳамда уларда ов қилиш қоидаларини ёки қурол муомаласини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлмаса, сойли стволли ўқотар ов қуролини, шу жумладан аралаш ўқотар қуролни ёхуд ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини, ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт: аризани; қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани; овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини (ов қуролини олиш учун); овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномасини (сойли стволли ўқотар ов қуролини, ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов қуролини ёки

ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун); отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномасини (спорт қуролини олиш учун). Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ички ишлар органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида тегишли ички ишлар органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома берилмайди: ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ёшга тўлмаганларга; муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганларга;	ўқдон (барабан) сиғими тўрт дона патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун); отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномасини (спорт қуролини олиш учун). Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ички ишлар органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида тегишли ички ишлар органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома берилмайди: ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ёшга тўлмаганларга; муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганларга;

ушбу модданинг еттинчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этмаганларга ёки тақдим этилган ҳужжатларида нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 103, 103-1, 104, 105, 110, 112, 118, 119, 1301, 135, 137, 138, 142-моддаларида, 145-моддасининг учинчи қисмида, 150, 151, 152, 153, 154, 154-1, 155, 155-1, 155-2, 155-3, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 164, 165, 166-моддаларида, 169-моддаси иккинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а» ва «г» бандларида, тўртинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 171-моддаси учинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 173-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандларида ва учинчи қисмида, 202-моддаси учинчи қисмининг «а», «г», «д» ва «ж» бандларида, 204-моддасининг иккинчи қисмида, 216, 216-1, 216-2, 217, 218, 219, 220, 221, 222-моддаларида, 223-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида, 226, 229-2, 235, 242, 244, 244-1, 244-2, 244-3, 245, 246, 247, 248, 249, 251, 251-1, 252, 254, 255-1, 264-моддаларида, 267-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273, 274, 276-моддаларида, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 278-моддасининг иккинчи қисмида, 279-моддасининг	ушбу модданинг еттинчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этмаганларга ёки тақдим этилган ҳужжатларида нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 103, 103-1, 104, 105, 110, 112, 118, 119, **126¹-моддасининг тўртинчи – саккизинчи қисмларида** 1301, 135, 137, 138, 142-моддаларида, 145-моддасининг учинчи қисмида, 150, 151, 152, 153, 154, 154-1, 155, 155-1, 155-2, 155-3, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 164, 165, 166-моддаларида, 169-моддаси иккинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а» ва «г» бандларида, тўртинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 171-моддаси учинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 173-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» бандларида ва учинчи қисмида, 202-моддаси учинчи қисмининг «а», «г», «д» ва «ж» бандларида, 204-моддасининг иккинчи қисмида, 216, 216-1, 216-2, 217, 218, 219, 220, 221, 222-моддаларида, 223-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида, 226, 229-2, 235, 242, 244, 244-1, 244-2, 244-3, 245, 246, 247, 248, 249, 251, 251-1, 252, 254, 255-1, 264-моддаларида, 267-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273, 274, 276-моддаларида, 277-моддасининг иккинчи ва

иккинчи ва учинчи қисмларида, 280-моддасининг иккинчи қисмида, 281-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 282-моддасида, 283-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 285, 286-моддаларида назарда тутилган қасддан жиноят содир этганлик учун судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида; қасддан жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаганларга ёки судланганлиги олиб ташланмаганларга, бундан ушбу қисмнинг бешинчи хатбошисида кўрсатилганлар мустасно; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқароларга нисбатан экстремистик фаолиятнинг, шунингдек шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий таҳдид солувчи фаолиятнинг белгилари мавжуд бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда; жиноий жазони ўтаётганларга; доимий яшаш жойига ёки қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлайдиган сақлаш шароитларига эга бўлмаганларга; ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганларга;	учинчи қисмларида, 278-моддасининг иккинчи қисмида, 279-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 280-моддасининг иккинчи қисмида, 281-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 282-моддасида, 283-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 285, 286-моддаларида назарда тутилган қасддан жиноят содир этганлик учун судланганларга судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан кейин ўн йил давомида; қасддан жиноятлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаганларга ёки судланганлиги олиб ташланмаганларга, бундан ушбу қисмнинг бешинчи хатбошисида кўрсатилганлар мустасно; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқароларга нисбатан экстремистик фаолиятнинг, шунингдек шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий таҳдид солувчи фаолиятнинг белгилари мавжуд бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда; жиноий жазони ўтаётганларга; доимий яшаш жойига ёки қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлайдиган сақлаш шароитларига эга бўлмаганларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185, 220, 220-1 ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганларга; жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик ёки ов қоидаларини бузганлик, шунингдек баданга енгил шикаст етказганлик ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилганларга; хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этганларга — ҳимоя ордерида қурол олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида); ушбу Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фуқаровий қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд бўлганда; руҳий ҳолатнинг бузилишлари ва (ёки) наркологик касалликлар сабабли диспансер ҳисобида турган яқин қариндошлари ва бошқа шахслар ушбу	ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганларга; Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185, 220, 220-1 ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганларга; жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик ёки ов қоидаларини бузганлик, шунингдек баданга енгил шикаст етказганлик ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилганларга; хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этганларга **болаларга нисбатан зўравонлик содир этганларга** — ҳимоя ордерида қурол олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқни тақиқлаш назарда тутилган ҳолларда (ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида); ушбу Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фуқаровий қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд бўлганда; руҳий ҳолатнинг бузилишлари ва (ёки)

фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшаётганда. Қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитиш тартиби ва махсус курсларда ўқитилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошларида ва бошқа шахсларда ушбу модда ўнинчи қисмининг учинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам берилмайди. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини	наркологик касалликлар сабабли диспансер ҳисобида турган яқин қариндошлари ва бошқа шахслар ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшаётганда. Қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқитиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитиш тартиби ва махсус курсларда ўқитилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг доимий яшаш жойи бўйича биргаликда яшовчи яқин қариндошларида ва бошқа шахсларда ушбу модда ўнинчи қисмининг учинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам берилмайди. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши

(бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно) биринчи марта олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчилар жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиши юзасидан текширувдан ўтиши шарт, ушбу бирлашма ва юридик шахслар қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш юзасидан тегишли текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги ҳужжатларни беради.	шарт. Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно) биринчи марта олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчилар жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиши юзасидан текширувдан ўтиши шарт, ушбу бирлашма ва юридик шахслар қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш юзасидан тегишли текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
28-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи қоидалари жисмоний ва юридик шахслар томонидан бузилганда; қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро вафот этганда мол-мулкни мерос қилиб олиш масаласи ҳал бўлгунига қадар, шунингдек қонуний асосларда жанговар ёки хизмат қуролига эга бўлган фуқаро вафот	28-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ички ишлар органлари томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи қоидалари жисмоний ва юридик шахслар томонидан бузилганда; қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро вафот этганда мол-мулкни мерос қилиб олиш масаласи ҳал бўлгунига қадар, шунингдек қонуний асосларда жанговар ёки хизмат қуролига эга бўлган фуқаро вафот

этганда; қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро бедарак йўқолган деб топилганда, шунингдек мол-мулкни мерос қилиб олиш тўғрисидаги масала ҳал бўлгунига қадар фуқаро вафот этган деб эълон қилинганда; лицензиат ёки қурол муомаласига доир рухсатнома эгаси бўлган юридик шахс тугатилганда; фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги рухсатномалар тўхтатиб туриш учун асос бўлган масала ҳал этилгунга қадар тўхтатиб турилганда; фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги лицензиялар ҳамда рухсатномалар тугатилганда, бекор қилинганда; хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фуқаровий қуролни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чекланганда; ушбу Қонун 13-моддаси ўнинчи қисмининг бешинчи, олтинчи, еттинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганда; аниқ ҳолатларга боғлиқ равишда фавқулодда ҳолат жорий этилганда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш	этганда; қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро бедарак йўқолган деб топилганда, шунингдек мол-мулкни мерос қилиб олиш тўғрисидаги масала ҳал бўлгунига қадар фуқаро вафот этган деб эълон қилинганда; лицензиат ёки қурол муомаласига доир рухсатнома эгаси бўлган юридик шахс тугатилганда; фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги рухсатномалар тўхтатиб туриш учун асос бўлган масала ҳал этилгунга қадар тўхтатиб турилганда; фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги лицензиялар ҳамда рухсатномалар тугатилганда, бекор қилинганда; хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган, **болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахснинг** фуқаровий қуролни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чекланганда; ушбу Қонун 13-моддаси ўнинчи қисмининг бешинчи, олтинчи, еттинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганда; аниқ ҳолатларга боғлиқ равишда фавқулодда ҳолат жорий этилганда.

қуйидагилар томонидан ҳам амалга оширилади: табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда, ов, балиқ овлаш, табиатни ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги ички ишлар органларига топширилган ҳолда; божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда, божхона органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги ички ишлар органларига топширилган ҳолда; бошқа органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида. Олиб қўйилган, шунингдек мусодара қилинган қурол ва унинг ўқ-дорилари ички ишлар органларига топширилиши лозим. Бунда олиб қўйилган, жиноят ишлари бўйича ашёвий далил деб топилган қурол ва унинг ўқ-дорилари жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда топширилади. Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланишга яроқли бўлган қурол ва унинг ўқ-дорилари қуролни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар	Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш қуйидагилар томонидан ҳам амалга оширилади: табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда, ов, балиқ овлаш, табиатни ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги ички ишлар органларига топширилган ҳолда; божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда, божхона органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги ички ишлар органларига топширилган ҳолда; бошқа органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида. Олиб қўйилган, шунингдек мусодара қилинган қурол ва унинг ўқ-дорилари ички ишлар органларига топширилиши лозим. Бунда олиб қўйилган, жиноят ишлари бўйича ашёвий далил деб топилган қурол ва унинг ўқ-дорилари жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда топширилади. Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланишга яроқли бўлган қурол ва унинг ўқ-дорилари қуролни

орқали реализация қилиниши бунда сотувдан тушган сумма қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг собиқ эгасига олиб қўйилган буюмни реализация қилишга доир харажатлар чегириб ташланган ҳолда берилиши лозим. Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланиш учун яроқсиз бўлган, шунингдек ясама, қайтадан ясалган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари ички ишлар органлари томонидан йўқ қилиб ташланади ёки махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар коллекциясига топширилади. Техник жиҳатдан носоз ёхуд яроқлилик, сақлаш ёки фойдаланиш муддати ўтган олиб қўйилган газли қурол ички ишлар органларига йўқ қилиб ташлаш учун текин топширилади. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳақида баённома (далолатнома) тузилиб, унда олиб қўйилаётган қуролнинг тури, хили, модели, калибри, серияси ва рақами, шунингдек ўқ-дориларнинг тури ҳамда миқдори кўрсатилади ёхуд бу ҳақда тегишли ёзув ёзиб қўйилади.	реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар орқали реализация қилиниши бунда сотувдан тушган сумма қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг собиқ эгасига олиб қўйилган буюмни реализация қилишга доир харажатлар чегириб ташланган ҳолда берилиши лозим. Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланиш учун яроқсиз бўлган, шунингдек ясама, қайтадан ясалган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари ички ишлар органлари томонидан йўқ қилиб ташланади ёки махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар коллекциясига топширилади. Техник жиҳатдан носоз ёхуд яроқлилик, сақлаш ёки фойдаланиш муддати ўтган олиб қўйилган газли қурол ички ишлар органларига йўқ қилиб ташлаш учун текин топширилади. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳақида баённома (далолатнома) тузилиб, унда олиб қўйилаётган қуролнинг тури, хили, модели, калибри, серияси ва рақами, шунингдек ўқ-дориларнинг тури ҳамда миқдори кўрсатилади ёхуд бу ҳақда тегишли ёзув ёзиб қўйилади.
Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида	
25-модда. Мажбурий даволашни қўллаш учун	25-модда. Мажбурий даволашни қўллаш учун

асослар Мажбурий даволаш атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида **бир мартадан ортиқ** маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан суднинг қарорига асосан қўлланилади. Бунда мажбурий даволаш диспансер кузатуви остида (диспансер ҳисобида) бўлган ва ихтиёрий даволанишни рад этаётган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилади.	асослар Мажбурий даволаш атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан суднинг қарорига асосан қўлланилади. Бунда мажбурий даволаш диспансер кузатуви остида (диспансер ҳисобида) бўлган ва ихтиёрий даволанишни рад этаётган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилади.
26-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш тартиби Ҳудудий ички ишлар органининг бошлиғи наркологик касалликка чалинган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил мобайнида **бир мартадан ортиқ** маъмурий	26-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш тартиби Ҳудудий ички ишлар органининг бошлиғи наркологик касалликка чалинган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил мобайнида маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга

жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш чиқаради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсга унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ички ишлар органлари ходими томонидан эълон қилиниб, унга огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ва бу ҳақда баённома тузилади. Мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.	нисбатан унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш чиқаради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсга унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ички ишлар органлари ходими томонидан эълон қилиниб, унга огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ва бу ҳақда баённома тузилади. Мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.
27-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш тартиби Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.	27-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш тартиби Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар **ёки олис ҳудудларда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш**

	бош бошқармаси бошлиқларининг буйруғи асосида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссиялар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссиялар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.
Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш заруриятини аниқлаш билан боғлиқ барча клиник текширувлар наркология диспансерида, зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилади.	Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш заруриятини аниқлаш билан боғлиқ барча клиник текширувлар наркология диспансерида, зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилади.
Наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий хулоса чиқаради.	Наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар **ёки ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссиялар** наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий хулоса чиқаради.
Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса клиник текширув жараёнида олинган маълумотларга, шунингдек қуйидагилар томонидан тақдим этилган иш материалларидаги маълумотларга асосланади:	Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса клиник текширув жараёнида олинган маълумотларга, шунингдек қуйидагилар томонидан тақдим этилган иш материалларидаги маълумотларга асосланади:
терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан — шахсни наркологик касалликка чалинган деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун;	терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан — шахсни наркологик касалликка

суриштирув ва тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун.	чалинган деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун; суриштирув ва тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун. **Наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссия тузиладиган олис ҳудудлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.**
28-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар ички ишлар органлари томонидан наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномаларига асосан, шунингдек наркологик касалликка чалинган шахснинг оила аъзолари хабардор қилинган ҳолда, ички ишлар органларининг ташаббусига кўра тайёрланади ва расмийлаштирилади. Ички ишлар органлари наркологик касалликка	28-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар ички ишлар органлари томонидан наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномаларига асосан, шунингдек наркологик касалликка чалинган шахснинг оила аъзолари хабардор қилинган ҳолда, ички ишлар органларининг ташаббусига кўра тайёрланади ва расмийлаштирилади. Ички ишлар органлари наркологик касалликка

чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш мақсадида мазкур шахсни наркологик экспертизадан ўтказиш учун унинг яшаш жойидаги наркология диспансерига олиб боради. Ички ишлар органлари наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиянинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулосасини олгач, тўпланган материалларни мазкур шахснинг яшаш жойидаги ёки наркология диспансери жойлашган ердаги судга тақдим этади. Мазкур материаллар судга электрон ҳужжат тарзида ҳам юборилиши мумкин.	чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш мақсадида мазкур шахсни наркологик экспертизадан ўтказиш учун унинг яшаш жойидаги наркология диспансерига **ёки ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссияга** олиб боради. Ички ишлар органлари наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиянинг **ёки ихтисослаштирилган туманлараро тиббий комиссиянинг** наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулосасини олгач, тўпланган материалларни мазкур шахснинг яшаш жойидаги ёки наркология диспансери жойлашган ердаги судга тақдим этади. Мазкур материаллар судга электрон ҳужжат тарзида ҳам юборилиши мумкин.